Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 25 ноябрь чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 232 (2013)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда болалар пойабзали ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Юқори сифатли болалар пойабзали ишлаб чиқариш кўпайтирилиши ва турлари кенгайишини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун республикага олиб келаётган хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг қўшилган қийматига солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Ушбу Фармоннинг амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 ноябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида*

# ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

***Илгари хабар қилинганидек, 20 ноябрь куни Олий Мажлисда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти. Фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги вазифалар» мавзуида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг намояндалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, республиканинг бир қанча туман ҳамда шаҳар ҳокимлари ва ҳоким ўринбосарлари, энг яхши фуқаролар йиғинларининг раислари қатнашдилар.***

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов кириш нутқи билан очди.

Ўзбекистон парламентининг Раиси ўз нутқида шуни таъкидлаб ўтдики, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида тугаши муносабати билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилаётган сайлов улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Бу демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказа бориш тўғрисидаги концепцияни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим босқичдир.

Маҳаллий ҳокимиятнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунлари асосида мустақиллик йилларида ташкил топган бутун тизимни бугунги кунда фуқаролар йиғинларига асосланган ўзини ўзи бошқарув органларисиз тасаввур этиш қийин. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзининг теран илдизлари билан жойларда ҳокимиятни халқ донишмандлиги ва тажрибасидан, кўп асрлик анъаналар ва маданиятдан баралла баҳраманд этиб келмоқда. Халқимизнинг ижоди билан шакл ва сайқал топган фуқаролар йиғинлари фуқаролик жамияти, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг жаҳон амалиётида ўхшаши ва мисли бўлмаган чинакам ноёб, миллий институтидир.

Ўзбекистондаги фуқаролар йиғинлари мустақиллик шарофати билан пухта, ишончли ҳуқуқий мақом олди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги амалдаги Қонунга биноан улар «жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради».

Мамлакатда сиёсий, демократик, иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб борган сари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва мавқеи орта боради. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларда ютуқ, энг аввало, бу ислоҳотларда аҳолининг барча қатламлари, ҳар бир фуқаро кенг иштирок этишига боғлиқдир. Ўзини ўзи бошқариш органлари шу маънода кўп ишларни қилиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда тўрт мингга яқин йиғинлар бор эканлигини айтиш кифоя. Бу катта кучни давлатимиз олдидаги вазифаларни ҳал этишга моҳирона йўналтиришнинг аҳамияти жуда катта.

Ўзбекистон раҳбариятининг жамиятни теран ислоҳ қилиш борасидаги сиёсатини, қонунларимизнинг, Президент фармонларининг ва Олий Мажлис, ҳукумат қарорларининг руҳи ва мазмунини сайлов кампанияси асносида ҳар бир фуқаронинг қалби ва шуурига етказиш зарурки, бу нарса жойларда уларни амалга ошириш ишига одамларнинг фаол жалб этилишини таъминлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги сайлов ҳокимликларнинг ходимларига, барча даражадаги раҳбарларга кишиларнинг кайфиятларини, улар олдида турган муаммолар ва эҳтиёжларни яхшироқ билиш, уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг ажойиб имкониятларини юзага келтиради. Бу имкониятлардан тўла-тўкис ва самарали фойдаланиш лозим.

Семинар-кенгаш қатнашчилари олдида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти» мавзуида маъруза қилди. Нотиқ шуни таъкидладики, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий фуқаролик жамияти қурилишида улкан роль ўйнамоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ватанпарварлик, ўз Ватани учун фахр-ифтихор туйғусини тарбиялаш, миллий анъаналарни, маданиятни, урф-одатларни тиклаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари барпо этиш, маданий-маърифий ва ободонлаштириш ишлари бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг фаолиятида асосий йўналиш бўлиб қолиши лозим.

Фуқаролар йиғинлари ана шу йўналишларнинг ҳаммаси бўйича кўпгина иш қилдилар, муайян тажриба тўпладилар. Шу билан бирга жойларда камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Шу муносабат билан мамлакат ҳозирги тараққиётининг, жамиятни теран ислоҳ қилишнинг талабларига мувофиқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иш даражасини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Ё. Жалолов ўз нутқида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларга тўхталди. У шуни таъкидлаб ўтдики, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари вазифасига муносиб номзодларни — маълумотли, ҳалол, ҳаётни чуқур биладиган, оддий кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қила оладиган, қатъиятли ва бошқа қатор фазилатларга эга бўлган номзодларни танлаш сайлов кампаниясининг муҳим босқичидир. Ҳокимликларнинг ходимлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида кадрлар масаласини ҳал этишдан ўзларини четга олишга ҳақлари йўқ. Улар йиғинларга ҳар тарафлама ёрдам беришлари, номзодлар кўрсатишда ва сайловни ўтказишда қонунийлик, демократия ва ошкоралик таъминланишига эришишлари лозим.

**(Давоми 3-бетда).**




# “АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ”

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда Қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароитини яратишдир.

Президентимиз Ислом Каримов яқинда халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида эътиборни барча саъй-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этувчи ана шу долзарб масалаларга яна бир бор қаратди.

Мамлакатимиз кенг жамоатчилиги ўртасида катта эътиборга молик бу муҳим масалалар йўлбошчимизнинг Ўзбекистон Телерадио компанияси раисига берган интервьюсининг ҳам асосини ташкил этади.

Давлат матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриёти ана шу нутқлар ва суҳбатни “Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ” сарлавҳаси билан кўп нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 1998 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБАДАН, 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрам қилиниши муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

дам олиш куни 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 ноябрь.

# ХОРАЗМ ШОЛИКОРЛАРИ БАЙРАМИ



***Хоразм вилояти шоликорлари бу йилги қишлоқ хўжалик мавсумини муваффақиятли якунламоқдалар. Оби ҳаво қийинчиликларига қарамай улар давлат буюртмасини бажардилар.***

Қабул пунктларига 87 минг тоннадан кўпроқ сифатли шоли топширилди. Умуман шолипоялардан 130 минг тоннадан ортиқ дон йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 41 центнерни ташкил этди. Деҳқонларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги учун ажратилган участкалардан 32 минг тоннадан кўпроқ ҳосил олинди.

— Бу муваффақият икки карра қимматлидир, — деди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ғаллачилик бўлимининг бошлиғи Карим-бой Назаров. — Ёзнинг ўрталарида Амударёда сувнинг кўп бўлиши сабабли шўр сизот сувлар сатҳи кўтарилиб кетиб, дарё бўйларидаги экинзорларда шоли нобуд бўлди. Бу одатдагидан ташқари вазиятдир. Чунки Хоразм шоликорлари кўпинча сув етишмаслигидан қийналадилар.

Шунга қарамай, вилоятнинг кўпчилик хўжаликларида илғор агротехниканинг кенг қўлланиши туфайли барча қийинчиликлар бартараф этилди. Кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олинган майдонларга шоли кўчатини ўтказиш усули ҳам жуда самарали бўлиб чиқди.

Шоли ўримида “Кейс” ва “Класс” комбайнлари жуда қўл келди. Гурлан, Хонқа, Боғот, Урганч ва бошқа туманларнинг илғор хўжаликлари ана шу комбайнлардан фойдаланиб, гектаридан 45 центнердан 60 центнергача шоли олишга муваффақ бўлдилар.

Хоразм шолипояларида ўрим давом этмоқда. Вилоят деҳқонлари мамлакатимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, ялпи шоли ҳосилини 200 минг тоннага етказишга бел боғладилар. Айни пайтда хўжаликларда уруғлик шоли ғамлаш давом этмоқда, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар авж олдирилмоқда.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Қилаётган ишингдан манфаатдор бўлсанг, ўтган ҳар бир кунинг ҳам мароқли, ҳам самаралидир, — дейди сиз суратда кўриб турган йигит Шариф Қаюмов.*

*У кўп йиллардан буён Уйчи тумани пахта тозалаш заводида бунтлаш устаси бўлиб ишлаб келмоқда. Бу йил завод 22475 тонна пахта қабул қилиб олган бўлса, жамоа олдида 7200 тонна толани қайта ишлаш вазифаси турибди. Бунда Шарифжоннинг ҳам муносиб улуши бор.*

**Т. МАҲКАМОВ олган сурат.**





# ФАН ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди.***

Унда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқи асосида илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга доир вазифалар кўриб чиқилди. Мажлисда Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг аъзолари, шунингдек, комиссия ҳузурида ишлаётган экспертлар кенгашлари ва ихтисослашган илмий кенгашлар раислари иштирок этди.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар илмий тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини оширишни тақозо этмоқда, деб таъкидлади Олий Аттестация Комиссиясининг раиси Ш.Аюпов мажлисни очиш чоғида. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ватан фани олдига кенг миқёсли янги вазифалар қўйилди. Илм-фан бу вазифаларни ҳал этиши лозим. Шу сабабли долзарблик илмий тадқиқотлар сифатининг асосий мезонларидан бирига айланмоқда.

Бироқ, мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги йилларда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида бажарилган диссертация ишларининг таҳлили республикамизда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимиз маънавий тараққиётида юз бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ аниқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқотлар жуда озлигини кўрсатмоқда. Афсуски, кўп олимлар умри тугаган “Мутлақ ҳақиқат” мафкураси таъсиридан ҳанузгача қутилган эмас.

Давр ўз мавқеимизни қайта кўриб чиқишга, ижодий изланишларимизни ҳозирги замонни чуқур ўрганишга қаратишга мажбур этмоқда, дейилди мажлисда. Шу муносабат билан комиссия мажлисида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги илмий даражалар ва унвонлар учун барча талабгорлар ўз ишларида жамият тараққиёти воқеликлари ва истиқболлари тўғрисидаги билимларнинг теран манбаи бўлган мамлакатимиз Президенти асарларидан фаол фойдаланишлари зарур деб эътироф этилди. Бу асарларда ўтиш даврида мамлакатимизда юз бераётган жараёнлар, ўтиш даврига мансуб қонуниятлар чуқур таҳлил қилиб берилган.

Мажлисда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ бу соҳада фан номзоди ва фан доктори илмий даражалари ҳамда доцент ва профессор илмий унвонларини олишга барча талабгорлар учун давлатимиз раҳбари асарлари бўйича қўшимча имтиҳон жорий этилади.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев нутқ сўзлади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ XIII СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# РЕКЛАМАЛАРГА ҲУҚУҚИЙ АСОС

***Қонунларимиз қабул қилинишидан аввал кенг халқ муҳокамасига қўйилаётгани уларнинг келгусида ҳаётийлигини таъминлабгина қолмай, ватандошларимизнинг бошқарувда иштирок этишдек демократик тамойилнинг намоён бўлиши ҳамдир.***

Октябрь ойи бошларида умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси хусусида ҳам шуни таъкидлаш жоиз. Аввало, лойиҳани ўқиб унинг анча пухта ва кенг қамровли тайёрланганига эътибор қаратасиз. Мутахассислар уни тайёрлашда асосан ривожланган Европа мамлакатлари тажрибасига таянгани сезилади.

Шу ўринда қонун лойиҳасидаги айрим ижобий жиҳатларни таъкидлаб, мулоҳазалар билдириш мумкин бўлган ўринларга тўхталамиз.

Дастлаб бизда «Асосий тушунчалар» деб номланган 4-модданинг «реклама»га берилган таърифи ўйлантиради. Унда «реклама — юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисидаги, бевосита ёки билвосита фойда олиш мақсадида тарқатиладиган махсус ахборот», деб таъкидланган. Бироқ шу модданинг «Ҳомий» тушунчаси таърифида, ҳамда «Ҳомийлик» деб номланган 24-моддада шу таърифга зид фикр мавжуддир. Яъни ҳомийлар ҳам реклама берувчилар деб эътироф этилиши қайд этилган бўлиб, ҳаёт тажрибасида улар фойда кўзламаслиги ҳам мумкин. Масалан, ЮНЕСКО атроф муҳитни ифлослантирмаслик хусусида ўз фаолияти ҳақида реклама берди, дейлик. Бу, албатта, бевосита ёки билвосита фойда учун эмас, кўпроқ ўз номини, фаолиятини оммалаштириш учун қилинган десак тўғри бўлади.

Шунга кўра 4-моддадаги рекламага таърифни **«реклама — бевосита ёхуд билвосита фойда олиш, шунингдек, ўз номи, фаолияти, маркасини оммалаштириш мақсадида тарқатиладиган юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисидаги махсус ахборот»** дейилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Рекламанинг тили тўғрисидаги 6-модда ҳам кишини ўйлатиб қўйди. Бир қараганда бу модда давлат тилининг устиворлиги ва реклама берувчининг хоҳиши мутаносиблигини таъминловчи мувозанат таъминлангандек.

Бироқ аслида қандай? Ҳозир асосий реклама берувчилар ўз рекламасини рус тилида беришни афзал кўрадилар. Чунки норасмий равишда ишбилармонларнинг муомала тили рус тили бўлиб қолаяпти. Ҳозиргача шартномалар ҳам асосан рус тилида тўлдирилаяпти. Ахир давлат тилининг устувор бўлиши учун бу соҳада ҳам қандайдир омил яратилса, ёмон бўлмас. Албатта, аввало, реклама берувчилар сонининг ўсиши ўша нашр нусхаси қанчалиги, қолаверса, жамоанинг ғайратига боғлиқ. Аммо 6-моддани «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама **аввал** Ўзбекистон Республикасининг Давлат тилида ва реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади», деб таҳрир қилсак реклама берувчи зарар кўрмайди. Бу билан маҳсулот, компания ишлари ҳақида ўзбек ўқувчиси билишини таъминлаган бўламиз. Бир қарашда рекламани берувчи хоҳиши бўйсундирилаётгандек, лекин у бунга давлат тилининг устуворлигини таъминлаш чораси деб қараса, охир оқибатда ўзи ютади.

Лойиҳанинг ижобий жиҳатлари ҳақида гап кетганда 8-модданинг сўнгги банди рекламада ижодкорликни ривожлантиришга кўмаклашишини, 13-моддада томошабин ва муаллифлик ҳуқуқига ҳурмат, 14-моддада обуначилар ҳуқуқларига эътибор қарор топганини таъкидлашни истардим.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ушбу қонун лойиҳасига бағишлаб ўтказилган муҳокама чоғида айрим муҳаррирларимиз «бизга гоҳида болалар нашрларини, китобларини бепул реклама қилиб беринг, деб илтимос қилишади. Бироқ, қанча хоҳламайлик бундай қилолмаймиз. Зеро, биздан бунинг учун, албатта, солиқ ушлаб қолишади» деган фикрни билдиришди.

Шунинг учун 12-модданинг сўнгги сатридан **«Ижтимоий рекламали ахборот учун қўшимча қиймат солиғи олинмайди»** деб қўшиб қўйилса, анча савоб ишлар пулсиз битишига имконият пайдо бўлади.

13-модданинг 3-бандида «болаларга (16 ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда, (эшиттиришларда) реклама тақиқланади. Бу тақиқ ижтимоий рекламали ахборотга татбиқ этилмайди», дейилади. Дейлик, болаларга бағишланган кўрсатувда «Чўлпон», «Ўқитувчи» нашриётлари чиқарган китоблар, миллий фабрикада тикилган мактаб кийимлари уларни воқиф қилиш учун реклама қилинаяпти дейлик. Бунга тижоратдан кўра ижтимоийлик устунроқ бўлса, уни тақиқлаш тўғри бўлмас. Албатта, сиз юқоридаги банднинг ижтимоий рекламали ахборот ҳақидаги сўнгги қаторини эслатмоқчи бўласиз. Тўғри, аммо «ижтимоий рекламали ахборот»га таъриф берилган 12-модда бош бандида саналган мақсадларда у қайд этилмаган. Шунинг учун модданинг бошланишида «ижтимоий рекламали ахборот — соғлиқни сақлаш» жумласидан сўнг **«маориф»** сўзини қўшсак ва «табиатни муҳофаза қилиш», деб давом этсак тўғрироқ бўлади, назаримда.

Европа мамлакатларидаги реклама тарқатувчилар гоҳо сизнинг хоҳишингизга қарши рекламани узатиш билан ҳам шуғулланадилар. Масалан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги факслари кўпчиликка маълум бўлгани учун гоҳо улар 4-5 қоғозлик реклама материалларини ЎзАга жўнатиб туришар эди. Биз гоҳо ундан безор бўлган пайтларимиз бўлган. Шу сабабли 15-моддада бундай ҳолларни чеклаш борасида бандлар киритилгани ҳам ижобий ҳолдир. Лойиҳанинг 16-моддасида ташқи реклама, уни жойлаштириш юзасидан ҳуқуқий муносабатлар асоси яратилган. Аммо мен бирор ҳудуд эгаси ўз ташкилоти фаолиятига доир рекламани, ахборотни ташкилот ҳовлисига ўрнатмоқчи бўлса, унда маҳаллий ҳокимият органлари билан келишиши, унга пул ўтказиши керакми, йўқми деган саволга жавоб тополмадим.

Чунки бино эгасининг ҳуқуқлари акс этган бўлсада, бу бандда ер эгасининг ташқи рекламага оид ҳуқуқлари хусусида бирон нарса дейилмаган. Шунинг учун ташкилотлар агар ер соҳиби бўлиб, унга пул тўлаб турган бўлса ва ўша ҳудудда ўзга фирма ёки корхонанинг эмас, ўз фаолиятига оид рекламали ахборотни жойлаштирса, унда бунинг маҳаллий ҳокимият билан келишмасдан ва жилла қурса унга пул тўламасдан адо этишига имкон яратилса, адолатдан бўлар эди.

Умуман олганда, «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юқорида айтилганидек, анча пишиқ ишланган.

**Амирқул КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раиси.**

# ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

***Вазирлар Маҳкамасида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.***

Мажлисни Бош вазир ўринбосари Л.Ахметов бошқарди.

Бу йил амалга оширилган ишларга якун ясаш ва келгуси вазифаларни аниқлаб олиш учун мажлисга вазирликлар ва идоралар, автотранспорт корхоналари ва ташкилотлар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда иштирок этадиган бошқа муассасалар раҳбарлари таклиф этилди.

Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев йўл-транспорт ҳодисалари, уларнинг сабаблари тўғрисида ахборот берди. Электрлаштириш ва энергетика вазирлиги, “Ўзавтотранс”, “Тошуйжойинвестқурилиш” ва бошқа ташкилотлар автокорхоналарининг йўлларда хавфсизликни таъминлашга доир фаолияти ҳақидаги маърузалар тингланди. Маҳаллий комиссияларнинг, хусусан Қашқадарё вилояти комиссиясининг иши, республика автомобиль мактаблари фаолияти ҳам кўриб чиқилди, автомобиль мактабларида ёш ҳайдовчиларни ўқитишга замонавий ёндашув талаб қилинмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижасида йўл ҳаракатига хавфсиз шароит яратиш ишида айрим ижобий ўзгаришлар билан бир вақтда жиддий камчиликлар ҳам аниқланганини мажлисда таъкидлаб ўтилди. Чунончи, машиналарни техник кўрикдан ўтказиш жадвалига риоя қилинмайди, транспорт воситалари ўз вақтида жорий таъмирланмайди. Ҳайдовчилар орасида етарли тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти, уларнинг профессионал тайёргарлигига кам эътибор берилмоқда. Аҳоли орасида, айниқса, болалар билан профилактика иши яхши йўлга қўйилмаган.

Комиссия аниқланган камчиликларни яқин кунларда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга доир ишларнинг келгусига мўлжалланган режалари кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

## ҒОР СИРИ ЎРГАНИЛДИ



Республика Фанлар академияси археология институти Сурхондарё вилоят бўлими ва Термиз Давлат университети археология гуруҳи эски шаҳарнинг Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофидаги бешинчи ғорсимон иншоотни очиш ва ўрганиш билан мавсумни якунлади. Шу пайтгача мақбара атрофидаги тўртта ғор очиб ўрганилган эди.

Зинапоялар орқали тушиладиган ғорнинг кенглиги 2 метр, узунлиги 4 метрдан ортиқроқ бўлиб, унинг тўрида бир хонадан иборат ўзига хос хужра мавжуд. Қазиш давомида бу ерда Сомонийлар ҳукмдори Абдал Малик Бин Нуҳ Куттигин томонидан эрамизнинг 955-960 йилларида зарб эттирилган танга, нақшли ёзувлари бўлган турли сопол буюмлар топилди. Бу буюмларнинг бежиримлиги, нафислиги айниқса диққатга сазовордир.

— Топилмалар нафақат буюк юртдошимиз Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва фаолиятини, балки шу давр маданий тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди экспедиция раҳбари Тўхташ Аннаев. — Будда динига тааллуқли ғорсимон иншоот тўртинчи асрда қурилган. IX-X асрларда эса ғордан Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳамда унинг маслакдошлари узлатгоҳ сифатида фойдаланишган.

**Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.**

*Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига*

# ФАСОҲАТДА НОДИР АЛЛОМА

## 1. ОГАҲИЙ СЎЗИГА ЭҲТИЁЖ

Қоялар қанчалик кўкка бўй чўзган бўлса, илдизлари ер қаърига шу қадар теранроқ ўрнашади дейдилар. Навқирон ўзбек давлати жаҳонга юз тутган сайин унинг шонли тарихи нечоғлик қудратли эканлиги тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Ҳукуматимиз томонидан юрт тарихига, мозийга алоҳида эътибор кўрсатилаётганлиги ҳам, назаримизда, шунинг билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Жалолиддин Мангубердининг 800, Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллик юбилейларини нишонлаш, уларнинг фаолиятини кенг тадқиқ этиш, халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳам ушбу фикрни қувватлайди.

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий улуғ шоир ва мутафаккир, олим ва муаррих, Шарқ адабиёти ва тарихига оид ноёб асарлар мутаржими сифатида миллий маънавиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.

Унинг лирик шеърларидан ташкил топган «Таъвизул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девони мавзу кўлами жиҳатидан ҳам, тенгсиз бадиияти нуқтаи назаридан ҳам, ҳақли равишда, сўз санъатининг ноёб намунаси саналади. XIX асрда Хоразмда ҳукмронлик қилган қўнғиротлар сулоласи тўғрисидаги бебаҳо тарихий асарлари она юртимиз ўтмишига оид мўътабар манбалар сифатида қимматлидир. Алломанинг Шарқ халқлари адабиёти ва тарихи ҳақидаги таржима асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳазрат Огаҳий «сўзнинг мартабаси ниҳоятсиз ва сўз аҳли ҳамиша азиз ва аржуманд» эканлиги ҳақида шундай ёзган эдилар:

*Бўлубдур шеър яхшилар шиори,*
*Жаҳонда то қиёмат ёдгори.*

Огоҳлик сари юз бураётган юртимиз Огаҳийнинг сўзларига эҳтиёж сезаётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса, ажаб эмас.

## 2. КАМОЛОТГА ИНТИЛИБ



1809 йил 17 декабрь. Жаҳонга ал-Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро каби алломаларни етиштириб берган Хоразм диёрида йиғисидан огоҳлик нафаси таралган фазилат соҳиби дунёга келди. Унга Муҳаммад Ризо деб ном бердилар. Унинг келажакда Огаҳий тахаллусли улуғ мутафаккир бўлиб етишиши ҳали Яратганнинг ўзидан бошқа ҳеч кимга аён эмас эди. Аждодлари Хоразм султонларининг энг сара амирларидан бўлган Муҳаммад Ризо ёшлик йиллариданоқ илму маърифатга интилди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «Фазлу камол иктисобиға (касб этишга Н.А.Ҳ.) майлу рағбат кўргузуб, мадрасанишинлик расмин ихтиёр қилдим; ва ҳар ердаким фузало ва шуаро хайлининг мажмаъ ва мажлиси бўлса, аларнинг хизматиға бормоқни ўзимға вожиб ва лозим билдим».

Шу тарзда камолотга, илму маърифатга интилган ёш Огаҳийнинг тарбиясида тоғаси, машҳур шоир ва тарихчи Шермуҳаммад Мунис катта роль ўйнайди.

Бир куни Хива мадрасаларидан бирида илм таҳсил қилаётган Огаҳийга отасининг вафоти тўғрисида хабар келтирадилар. Бунинг натижасида ўз бошига тушган қийинчиликлар тўғрисида шоир шундай ёзган эди: «...рўзғор андуҳи шиддатининг оғир юки тоғ янглиғ бошим устиға тушди ва сипоҳигарлик яроғин ташвишиға дучор ва сипаҳдорлиғ мансабининг туғли занжириға гирифтор бўлдум». Албатта, табъи илму маърифатга мойил бўлган Огаҳийга сипоҳдорлик хуш келмаган. Фақат рўзғор тебратиш мақсадидагина сипоҳигарлик қилишга мажбур бўлган. Лекин, унинг ўзи таъкидлашича, бўш вақт топди дегунча китоб мутолаасига берилган. Замонасининг олимлари, шоирлар ва фозиллари суҳбатидан баҳраманд бўлган. Шеърлар машқ қилган.

## 3. БИР ШАҲИ ОЛИЙСИФАТ

Туронзамин тарихига назар солинса, барча даврларда ҳам улуғ мутафаккирларнинг етишиб чиқишида маърифатли подшоҳларнинг уларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганликлари муҳим аҳамият касб этганлигини кузатиш мумкин. Огаҳийнинг ижодий камолотида Хоразмда ҳукмронлик қилган қўнғиротлар сулоласи шоҳларининг тутган ўрни ҳам бунга ёрқин далил бўла олади.

Бу моддий ва маънавий ҳомийлик Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон даврларидан бошланади. «Бошига рўзғор андуҳи шиддатининг оғир юки» тушган шоирни бу машаққатдан мазкур ҳукмдор халос этади. «Таъвизул ошиқин»нинг дебочасида қайд қилинишича, султон Муҳаммад Раҳим «мамлакатга подшоҳона сиёсат ва мулукона адолат била ўзга янглиғ зийнат ва низом берди ва ҳар тоифани ўз ҳолиға кўра марҳамат ва навозишлар била хушдил ва баҳраманд ва ҳар жамоани ўз мартабасиға яраша макрамат ва бахшишлар била хушҳол ва хурсанд қилди». Мазкур асарда таъкидланишича, айниқса олимлар, фозилларга подшоҳ томонидан алоҳида марҳаматлар кўрсатилади, «ҳар шеър силасиға гуногун ганжлар инъом этилади». Бунинг натижасида Хоразм диёрида шеърият ва адабиёт юксак даражага кўтарилади. Огаҳий мана шу даврда шоҳнинг эътиборини қозонади. Хоразм адабий муҳитининг пешқадам намояндаси сифатида довруғ таратади.

Кунлардан бирида подшоҳ шоирни ҳузурига чорлаб, ёзган шеърларини девон ҳолида жам этмоқни амр этади. «Таъвизул-ошиқин» шу тариқа дунё юзини кўриб, авлодлар мулкига айланди. Ҳақиқатан ҳам ишқ аҳлига тумор бўларлик даражадаги шеърларни битган Огаҳий камтаринлик билан, девонни ўқиган донишманд фузало ва диққатпайванд шуаронинг «айбпўшлиғ кўргузуб, бузуқ иборат кўрсалар ислоҳ бериб, қоидага мувофиқ тузишларини» ўтинади. Бундан бугунги ёшлар ҳам ибрат олмоқлари лозимки, аждодларимиз нақадар камолот соҳиби бўлмасин, заррача кибру ҳавога йўл қўймаганлар. Зеро, доно халқимиз мевали дарахтнинг шохи эгик бўлади, деб бежиз айтмаган.

## 4. ИШҚ СИРИДИН ОГОҲЛИК

«Шеър бир неъмати узамодурким, — деб ёзади Огаҳий, — Тангри таоло они ҳар кишига ато қилмомишдур ва они айтмоқ ҳунари ҳар кимнинг қўлидин келмамишдур. Шеър шоирнинг иззат ва давлат неъматин ҳосил қилмоғига сабаб, балки икки дунё манзилати саодатиға восил бўлмоғиға боисдур».

Шубҳасиз, Огаҳий мана шу бахтга мушарраф бўлган саодат соҳибидир. Унинг шеърлари шарқ ғазалиётининг асосий мавзуи бўлган Ҳақ ишқи билан суғорилган:

*Ушшоқ тани жони эрур*
*бодаи васлинг*
*Лутф айлау жон еткур*
*ўлук жисмима жоно.*

*Чун Огаҳий кул бўлди*
*ёна ишқинг ўтиға,*
*Ёндурма тамуғ ўтиға,*
*ё раб, они ёно.*

Ҳақиқий ошиқ ишқ домиға бандликни чин озодлик деб эътиқод қилади. Чунки, ишққа асир бўлмаган кўнгулни нафсу ҳаво забт этади. Бундай кўнгил нафс қулига айланади. Нафс гуноҳ сари етаклайди. Гуноҳ эса кўнгилни қорайтиради. Жаноби пайғамбаримиз С. А. В бу ҳақда Ҳадиси шарифда қуйидагича марҳамат қиладилар: «Ҳар кимки бир гуноҳ иш қилса, унинг қалбида бир қора доғ пайдо бўлади. Агар астойдил тавба қилса, доғ кетади. Тавба қилмасдан, гуноҳларда давом этаверадиган бўлса, доғлар сони кўпайиб бораверади. Оқибатда қалб бутунлай қорайиб кетади. Қорайган қалбга Ҳақ таолонинг нури зуҳур этмайди». Шунинг учун ҳам Огаҳий «мажоз ичра кудуратлар етишган» кўнглига «ҳақиқат жомининг базмидин сафо» етказишни сўраб Яратганга илтижо қилади:

*Жонни ишқинг домиға*
*банд айлабон озод қил,*
*Ким ҳаво занжирини нафс*
*айламиш маҳкам анга.*

*Кўнглума еткур сафо*
*базми ҳақиқат жомидин,*
*Ким мажоз ичра*
*кудуратлар етурмиш ғам*
*анга.*

Огаҳий ижодида ишқ мавзуи ҳадди аълосига етказиб куйланган. Унинг ғазалларида огоҳ қалбнинг самимий ишқи, руҳий-маънавий поклик, чуқур мазмун гўзал, бадиий мисраларда ифодаланган:

*Не тонг огоҳ бўлса*
*Огаҳий ишқнинг сиридин-*
*ким,*
*Онга беҳуда эрмас*
*осмондин бу лақаб пайдо.*

Маълум бўладики, Огаҳийнинг адабий тахаллуси сийратига муносиб. Миллатни огоҳликка даъват этувчи, шеърлари эса сўз санъатининг ноёб дурдоналари сифатида абадиятга дахлдордир.

**Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,**
**филология фанлари номзоди.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0500,
27353 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.10*
1 2 3 4 5 6



REAL TEA



*Ҳақиқий шоҳона хитой чойи ва шарқона лаззат саналмиш -*
REAL TEA
GREEN TEA *кўк чойи дастурхонингиз кўрки.*
ҲАР ДОИМ БИЗНИНГ ЧОЙИМИЗДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ!

Vinlad *Ҳаётингизни тинч ва хотиржам қиламиз!*
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН ЕВРОПА ВА АМЕРИКАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖИҲОЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
- Муҳофаза сигнализацияси;
- Ёнғиндан сақлаш сигнализацияси;
- Телекузатув;
- Доимий назорат;
- Махсус воситалар.

NEW! МАХСУС ҲИМОЯ ПЛЕНКАЛАРИ.
Тошкент ш., Қушбеги, 18,
тел: (3712) 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс: 50-03-61.

“ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС” ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ
Чипта сотувчиларни ишга таклиф этади
Маълумот учун телефонлар: 34-84-19, 34-82-37.
Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 6-8 минг сўм.
*Бир йилдан ортиқ иш стажи бўлганларга 20% дан 50% гача миқдорда устама ҳақ тўланади.*
*Шаҳар йўловчи транспорти чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиш, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.*



851

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ
Тошкент шаҳридаги бўлимлари бош ҳисобчи бўш лавозимларига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Номзодлар учун танлов шартлари:
1. Олий иқтисодий билим.
2. Банк ҳисобхонасида камида 5 йиллик иш тажрибаси.
3. Компьютерда ишлаш малакаси.
Танловда иштирок этиш учун аризалар 1998 йил 31 декабргача қабул қилинади.
Номзодлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, 4-қават, 407-хона. Тел.: 133-33-78.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ!
«ЎЗОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» уюшмаси
*мулкчилик шаклидан қатъи назар барча савдо ташкилотлари раҳбарларини озиқ-овқат товарлари улгуржи савдо ярмаркасига таклиф этади. Сизлар ярмаркада 1999 йилда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат товарлари: қандолат маҳсулотлари, хамиртуруш, чой, алкоголсиз ичимликлар, минерал сувлар ва пиволарни сотиш юзасидан шартномалар тузишингиз мумкин.*
Ярмарка шу йил 26-28 ноябрь кунлари соат 9.00дан 18.00 гача қуйидаги манзилда ўтади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй, «Камолот» Республика жамғармаси биноси. «Урда»-бекати.
Телефонлар: 41-74-40, 144-08-54.

Навоий кўчасидаги 28-уйда жойлашган
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕГРАФ БИНОСИДА ТЕЛЕФОНДА СЎЗЛАШУВ ПУНКТИ
тўла таъмирланиб чиқилди ва у замонавий стандартлар бўйича
сутка давомида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:
- Тошкент шаҳри ва пойтахт меҳмонлари, шунингдек, хорижликлар учун жаҳоннинг барча мамлакатлари билан тўғри канал бўйича телефон хизмати кўрсатади.
- Барча категория ва ҳамма йўналишлар бўйича телеграммалар қабул қилади.
- Факсимил хабарлар, телексни жўнатиш ва қабул қилиш хизмати кўрсатилади.
- Тошкент шаҳридаги юридик ва жисмоний шахсларнинг факсимил қурилмаларини ўрнатади ва рўйхатдан ўтказади.
- Электралоқа корхоналари иши ҳақида ахборот беради (бепул).

Бундан ташқари қуйидаги манзилгоҳдаги пунктлар сутка давомида тўлиқ ишлайди:
— Чилонзор массиви, 8-квартал, Қатортол кўчаси, 21-уй;
— «Бахт» меҳмонхонаси;
— Аэропортнинг иккинчи қавати.
Телефонда сўзлашув пунктларига ташриф буюринг! Сизни тезкор ва сифатли алоқа, оддий тарифлар бўйича сервис хизмати кутмоқда!
Мурожаат учун телефон: 144-30-43.
Шаҳарлараро ва халқаро электро алоқалар маркази.
Тошкент телеграф-телефон станцияси.


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси жамоаси «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси раиси Зафар Файзиевга волидаи муҳтарамаси
**ТЎҒОНОЙ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамоаси марказнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ота-Мирзаев Озод Бобо-Мирзаевичга оналари
**Ҳожар ая МИРЗАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Давлат савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси «Гўшт-сут савдо» ходимлари «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси раиси Зафар Файзиевга волидаи мухтарамаси
**Тўғаной ая ЗОКИРЖОН қизининг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий жамоаси филология фанлари доктори Қосим Муҳаммаджоновга турмуш ўртоғи
**Матлуба МУҲАММАДЖОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.